



**“Ўзагротехсаноатхолдинг”
акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
2018 йил 31 январдаги
3-2018-сонли қарори билан**



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ЎЗАГРОТЕХСАНОАТХОЛДИНГ” акциядорлик жамиятининг УСТАВИ

1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти (бундан буён “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 05 к-ПО - сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

2. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: “O’zagrotexsanoatxolding” aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти.

4.2. Рус тилида: Акционерное общество «Узагротехсаноатхолдинг».

4.3. Инглиз тилида: “Uzagrotechsanoatxolding” Joint stock company.

5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: “O’zagrotexsanoatxolding” AJ;

кирилл ёзувида: “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ.

5.2. Рус тилида: АО «Узагротехсаноатхолдинг».

5.3. Инглиз тилида: “Uzagrotechsanoatxolding” JSC.

6. Жамиятнинг манзили:

жойлашган жойи: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.

почта манзили: Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй.

7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzatsx.uz.

8. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.uzagrotechsanoatxolding.uz,
www.uzatsx.uz.

2-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

11. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлади. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили) у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга мувофиқ белгиланади. Жамият ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ва ўзининг Ягона акциядорини ёзма билдириш юбориш йўли билан хабардор этиши шарт.

12. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Ягона акциядор Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

13. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган Ягона акциядор, Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

14. Жамият Ягона акциядорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

15. Агар Жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган Ягона акциядорнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, Ягона акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Ягона акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

16. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган Ягона акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги Ягона акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган, деб ҳисобланади.

17. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, гудвил, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

18. Жамиятнинг ижро этувчи аппарати фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш дивидендлар, ишлаб-чиқариш хўжалик фаолияти тушумларидан ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3-МОДДА. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

19. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника, агрегатлар ва ускуналар ишлаб чиқаришни ҳамда сифатли сервис ва механизация хизматларини ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш ва молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда

олишдир.

20. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёжнинг тизимли маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, уларни ишлаб чиқаришга, энг аввало Жамият таркибига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқаришга буюртмаларни жойлаштириш;

замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик учун махсус техника ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳисобига замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этиш ва амалдаги корхоналарни модернизация қилиш, замонавий илғор техника турлари ва технологияларни жорий қилиш, бу жараёнга инвестициялар, энг аввало хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

тармоқ корхоналарига қишлоқ хўжалиги учун турли хил техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан лизинг асосида ва экспорт қилишда ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш ва сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, тармоқ корхоналари ва ташкилотларини зарур моддий-техника ресурслари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш соҳасида ягона техник ва сервис сиёсатини ўтказиш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда машина-трактор паркларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш, республика қишлоқ хўжалигида механизациялаштирилган хизматлар ҳамда бошқа турдаги сервис хизмати кўрсатишнинг янги усулларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, сотиш, сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

21. Асосий вазифаларидан ташқари, Жамият қўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

22. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

4-МОДДА. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

23. Жамиятнинг устав капитали Ягона акциядорга тегишли бўлган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

24. Жамиятнинг устав капитали 722 923 416 500,0 (етти юз йигирма икки миллиард тўққиз юз йигирма уч миллион тўрт юз ўн олти минг беш юз) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 7 229 234 165 дона оддий акцияларга бўлинган ва қуйидаги тартибда тақсимланган:

Давлат улуши – 100 фоиз, 722 923 416 500 сўм, ёки 7 229 234 165 дона акциядан иборат.

5-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ

25. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

26. Кўшимча акциялар Жамият томонидан мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

27. Жамият томонидан устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори 583 049 020 900,0 (беш юз саксон уч миллиард қирқ тўққиз миллион йигирма минг тўққиз юз) сўм умумий қийматга эга бўлган ҳар бирининг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм бўлган 5 830 490 209 (беш миллиард саккиз ўттиз миллион тўрт юз тўқсон минг икки юз тўққиз) дона оддий акциялардан иборат.

28. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш тартиби ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

29. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

30. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

31. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

32. Жамиятнинг кўшимча акциялари учун унинг ўз капитали (кўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда) ҳисобидан, шунингдек кўшимча акциялар учун тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ

33. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

34. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

35. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Жамиятнинг Ягона акциядори устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтиришнинг қонун ҳужжатларига асосланган тартибини белгилайди.

7-МОДДА. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

36. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

37. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан

ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан тўланади.

38. Дивиденд Ягона акциядорнинг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

39. Жамият ижроия органи томонидан оддий акцияларга ҳисобланган дивидендларни тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди.

41. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Ягона акциядор томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ЗАҲИРА ФОНДИ

42. Жамиятда соф фойдадан ажратмалар амалга ошириш ҳисобига устав капиталининг 15 фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этилади.

43. Жамиятнинг заҳира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йили камида 5 фоиз миқдорида мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

44. Жамиятнинг заҳира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, унинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамият акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

45. Заҳира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан амалга ошириш тикланади.

9-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

46. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг ягона акциядори;
- Жамиятнинг кузатув кенгаши;
- Жамиятнинг ижроия органи .

47. Жамиятнинг Ягона акциядори бўлиб Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУК ҳисобланади.

48. Жамиятнинг бошқарув органлари фаолиятининг мазкур Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ

49. Жамиятнинг Ягона акциядори Жамиятнинг юқори органидир.

50. Жамиятнинг фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядори томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

51. Жамиятнинг ҳар йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ҳар бир ҳисобот йили туганидан кейин олти ойдан кечиктирмай унинг Ягона акциядори томонидан кўриб чиқилади.

52. Ягона акциядор томонидан Жамиятнинг ҳисобот йили яқунлари бўйича қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши ва тегишли қарорлар қабул қилиниши керак:

- Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
- Жамият Тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Жамиятнинг Бошқарувини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномаларнинг муддатини узайтириш, уларни қайта тузиш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш (Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бундан мустасно);
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш;
- Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.

Ягона акциядор томонидан бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

53. Ягона акциядорнинг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг Бошқарувини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш (Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бундан мустасно);
- Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва (ёки) компенсациялар (жамиятнинг тасдиқланган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ички ҳужжатларида белгилангандан ташқари) миқдорини ўрнатилган тартибда белгилаш, бунда, кўрсатилган тўловларнинг миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207–сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва/ёки камайитириш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган

биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- Жамиятнинг корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқариш ва уларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бизнес-режасини шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 – боби талабларидан келиб чиқиб йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9 – боби талабларидан келиб чиқиб Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- мустақил профессионал ташкилотлар-маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

54. Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, юқоридаги маълумотлар мазкур биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

11-МОДДА. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

55. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ягона акциядорнинг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

56. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Ягона акциядор томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

57. Кузатов кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган Кузатов кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзоси - Жамият билан мулкӣ ёки тадбиркорлик алоқалари билан боғлиқ бўлмаган, унинг фаолияти йўналишлари бўйича катта илмий ва амалий билим ва тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистонда алоҳида обрўга эга фуқаролар орасидан Ягона акциядор томонидан тавсия этилади ва сайланади.

58. Жамият Кузатов кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатов кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш (тайинлаш) ва у билан тузиладиган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатов кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органдан олиш. Жамият Кузатов кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит текширувини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорларни (фақат Ягона акциядор томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада) қабул қилиш. Жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлари учун йиллик харажатлари ўтган молия йили соф фойдасининг

10 фоиздан ортиб кетмаслиги керак ва бунда ўтган йилдаги бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичи бажарилгандагина амалга оширилади.

- тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича Кузатув кенгаши қошида унинг аъзолари, Бошқарув раиси, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат кўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

59. Кузатув кенгашининг раиси, кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

60. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

61. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

62. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг талабига кўра чақирилади.

63. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб ҳисобланади.

64. Мажлисда Кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

65. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

66. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ Жамият ва унинг Ягона акциядори олдида жавобгардир.

67. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

12-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

68. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

69. Бошқарувнинг таркибий миқдори Жамиятнинг Уставига мувофиқ белгиланади ва 5 (беш) кишидан иборат бўлади.

70. Жамият Ягона акциядори томонидан Жамият Бошқаруви бир йил муддатга сайланади, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бундан мустасно. Жамият Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга сайланади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ:

Жамият Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тасдиқланади;

Жамият Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади.

72. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва (ёки) компенсациялар (жамиятнинг тасдиқланган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ички ҳужжатларида белгилангандан ташқари) миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207–сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

73. Жамият Бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- ўрнатилган тартибда Жамият таркибига кирувчи корхоналар, таркибий бўлинмалар, ташкилотлар ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш ёки қайта тузиш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларнинг ваколатларини белгилаш ҳамда уларни бошқариш;
- Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича кўриб чиқиш;
- Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг муҳокамасига киритилаётган масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тайёрлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режалари лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Жамиятни истиқболли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- Жамият фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

74. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш, ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш

- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлар очиш, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолаш, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан ва ундан ташқаридаги муносабатларда Жамият номидан иш юритиш, Жамият номидан мазкур устав талабларидан келиб чиқиб келишувлар, шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузиш, бундай битимларни амалга ошириш учун ишончномалар бериш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари мувофиқ ҳисоботларнинг тайёрланишини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- ходимларнинг лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилаш;

- ходимлар штат рўйхатларини тасдиқлаш, ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномалари тузиш ва бекор қилиш, Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида ва Жамият ички ҳужжатларида кўзда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

- Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш, кўрсатмалар бериш, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг филиаллари ёки ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш, штатларни тасдиқлаш;

- Жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг Ягона акциядори, Кузатув кенгаши ва бошқаруви қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

75. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда улар Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланади.

76. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамиятнинг Ягона акциядори ва Кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

77. Жамиятнинг бошқаруви ва бошқарув раиси мазкур Устав ва Ягона акциядори томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

13-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ТАҒТИШ КОМИССИЯСИ

78. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Ягона акциядор

томонидан бир йил муддатга жамиятнинг тафтиш комиссияси сайланади. Жамиятнинг тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

79. Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига биноан Жамият Бошқарув раиси ва бошқа мансабдор шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

80. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ягона акциядор ваколат доирасига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун Ягона акциядорга талабнома киритишга ҳақлидир.

81. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамият ижроия аппаратида меҳнат шартномаси бўйича ишлашлари мумкин эмас. Айтилган бир шахс айтилган бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

82. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, Ягона акциядорнинг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

83. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

84. Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазмунига қўшимча талаблар Ягона акциядор томонидан белгиланади.

85. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади ва ҳисобот йили учун мазкур масала бўйича хулоса Ягона акциядор томонидан кўриб чиқилади.

86. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

14-МОДДА. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

87. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

88. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

89. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

15-МОДДА. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ТАШҚИ АУДИТОР)

90. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширади ва Жамиятга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

91. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

92. Жамиятда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

16-МОДДА. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

93. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

94. Жамият корпоратив маслаҳатчиси ўз фаолиятини Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

17-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

95. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

96. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида Ягона акциядорга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

97. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Ягона акциядорга тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядори билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

98. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Ягона акциядор томонидан ҳар бир ҳисобот йили яқунлари бўйича қарор қабул қилиниши мўлжалланган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

99. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни, мазкур ҳисобот Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Ягона акциядор томонидан ҳар бир ҳисобот йили яқунлари кўриб чиқиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

100. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

18-МОДДА. ЖАМИЯТ ФИЛИАЛЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ЖАМИЯТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ.

101. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

102. Жамият филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс бўлмайди. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалларига ва ваколатхоналарига бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

103. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият Бошқарув раиси томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

104. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

105. Шўъба хўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

106. Жамият ўз шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

19-МОДДА. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби

107. Жамиятни қайта ташкил этиш Ягона акциядорнинг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

108. Жамиятни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

109. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

б) Жамиятни тугатиш тартиби

110. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

111. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Ягона акциядорнинг қарорига мувофиқ;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

112. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда “тугатувчи” деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани Ягона акциядорга ҳал қилиш учун олиб чиқади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган Жамиятнинг Ягона акциядори Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

113. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

114. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

115. Тугатилаётган Жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан қонунчиликда белгиланган навбат бўйича тақсимланади.

116. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

20-МОДДА. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

117. Мазкур Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга асосан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

118. Мазкур Устав ва унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

119. Мазкур Уставда ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

**Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари**



М. Шерматов